

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК ҚИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02./30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
НАВОИЙ БЎЛИМИ**

ТУРСУНОВ ЗАРИФ РУЗИМУРОДОВИЧ

**ИЭС ФАОЛ КУЛ-ТОШҚОЛ АРАЛАШМАСИ БИЛАН
МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ПОРТЛАНДЦЕМЕНТ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
Content of the abstract of dissertation doctor of Philosophy (PhD)

Турсунов Зариф Рузимуродович

ИЭС фаол кул-тошқол аралашмаси билан модификацияланган
портландцемент олиш технологияси.....3

Турсунов Зариф Рузимуродович

Технология получения модифицированного портландцемента с
активированной золошлаковой смесью ТЭС.....21

Tursunov Zarif Ruzimurodovich

Technology for the production of modified Portland cement with activated ash and
slag mixture of TPP39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК ҚИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02./30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
НАВОИЙ БЎЛИМИ**

ТУРСУНОВ ЗАРИФ РУЗИМУРОДОВИЧ

**ИЭС ФАОЛ КУЛ-ТОШҚОЛ АРАЛАШМАСИ БИЛАН
МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ПОРТЛАНДЦЕМЕНТ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг В2021.1.PhD/Т2054 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Навоий бўлимида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Искандарова Мастура
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мирзақулов Холтура Чориевич
техника фанлари доктори, профессор

Искендеров Ахмет Макседбаевич
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Урганч Давлат Университети

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02./30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «7» апрель 2022 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanguz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2022 йил «18» март куни тарқатилди.
(2022 йил «18» март даги №7 рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С. Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Ш.С. Намазов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор, ЎзР ФА акад.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда жаҳонда цемент саноатида ёқилғи-энергия ва табиий хом ашё ресурсларини тежашни таъминловчи иқтисодий самарадор йўналишлардан бири, бу - цемент таркибидаги юқори ҳароратда олинадиган клинкернинг маълум бир қисм ўрнини боса оладиган қўшимчаларни қўллаб, аралаш ва композицион портландцементлар ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Бу ўринда қурилиш-техник хоссалари юқори бўлган, технологик жараёнлари такомиллаштирилган, сифатли ва таннархи арзон цемент ишлаб чиқариш саноатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу жиҳатдан энергия-ресурстежамкор аралаш ва композицион портландцементларни ишлаб чиқаришда, уларнинг физик-механик ҳамда эксплуатация хоссаларига салбий таъсир кўрсатмайдиган маҳаллий, табиий хом ашё ва минерал техноген қўшимчаларнинг мавжуд манбаларни аниқлаш ва уларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳонда ИЭС фаол кул-тошқол аралашмасидан фойдаланиб юқори сифатли цементларни турларини ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, қўшимчали цементлар таркибларини оптималлаштириш ва олиш технологиясини такомиллаштириш; янги турдаги табиий ва техноген хом ашёлар асосида паст ҳароратда куйдириладиган клинкерларни олишнинг илмий ва технологик асосларини ишлаб чиқиш; пуццолан цементларнинг сувда қотиш вақтини қисқартириш, физик-механик ва қурилиш-техник хоссаларини яхшилаш; гибрид қўшимчали композицион цементларнинг янги турларини ва олиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда техноген чиқиндилар асосида цементларнинг янги турларини олиш, янгидан-янги замонавий цемент корхоналарини қуриш, цемент ишлаб чиқариш ҳажмини ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича бир қатор илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам сарфли энергия тежамкор усулларни қўллаш, цемент ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, импорт ўрнини алмаштирувчи ва экспортбоп маҳсулотларни тайёрлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, энергия сиғими кам клинкер ва цементлар олишда техноген чиқиндилардан фойдаланиб, арзон ва юқори сифатли цементлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3696-сон «Ички бозорни цемент билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сон «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ИЭС кул-тошқоли ва бошқа турдаги минерал чиқиндилардан фойдаланиб клинкер ва қўшимчали портландцементлар олиш бўйича В.В. Тимашев, В.К. Классен, Т.Б. Бельский, О.В. Кононов, А.О. Смирнов, М.Я. Бикбау, Т.В. Кузнецова, А.П. Осокин, Ilsan Erçin, H. El-Didamony, H. N. M.Darweesh, R. A.Mahmoud, Yilmaz Bulent, Ediz Nezahat, Degirmenci Nurhayat, Yilmaz Arin, Ю. А. Онасенко, В. В. Песчанск, В.В. Бабков, А.И. Габитов, Р.Р. Сахибгареев, Т.Б. Бельск, Г. Браун, А.И. Савенков, А.А. Баранов, В.Д. Котляр, М.В. Бахарев, В.Н, Семиндейкин, З.Б. Энтин ва бошқалар шуғулланганлар.

Юртимиз олимлари И.С. Канцельский, М.Г. Фуломов, Т.А. Отақўзиев, М.И. Искандарова, З.П. Пўлатов, А.А. Тулаганов, Ф.Б. Атабаев, А.М. Искендеров, Г.Б. Бегжанова, З.А.Мухамедбаева ва бошқалар томонидан ҳам катта миқёсдаги илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотлар натижасида энергия сиғими кам клинкерларда асосий минераллар ҳосил бўлиш жараёни тезлашган; техноген чиқиндилар асосида олинган портландцементларни мустаҳкамлик кўрсаткичлари барқарорлашган; қўшимчали ва композицион қўшимчали цементларнинг мустаҳкамлиги ошган; янги таркибли қўшимчалар куйдирилганда ва цементга қўшилганда янги ҳосилалар пайдо бўлиш механизми ўрганилган; цемент тошида сунъий конгломерат шаклланишининг физик-кимёвий асослари тадқиқ этилган, қимматбаҳо клинкерни тежашга, цемент ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, унинг таннархини пасайтиришга эришилган ва бу йўналишда ишлаб чиқилган технологияларнинг аксарияти саноатда жорий этилган.

Айни пайтда, ИЭС фаол кул-тошқол аралашмаси (ФКТА) билан модификациялаб портландцемент (ПЦ) олиш технологияси бўйича цементларнинг янги, кам клинкерли турларини ишлаб чиқиш; сульфатбардош цементларнинг коррозияга бардошини ошириш; пуццолан

цементлар асосидаги бетон таркибида кечадиган гидратланиш механизмларини ўрганиш; цемент таннархини камайтириш борасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш; кўшимчали цементларни турларини кўпайтириш ва олиш технологияларини такомиллаштириш ўз ечимини кутаётган далзарб муаммолардандир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-ФА-2019-5 “Янги-Ангрен ИЭС фаол кул-тошқол чиқиндилари билан модификацияланган кўшимчали ва сульфатбардош цементлар олиш технологиясини ўзлаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ангрен ИЭС куруқ ҳайдалган кул-тошқол чиқиндисидан кўшимча сифатида фойдаланиб, янги турдаги кўшимчали портландцементларни таркибларини ва энергия-ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ФКТАни кимёвий-минералогик таркибларини ва гидравлик фаоллигини аниқлаш асосида, уни цемент кўшимчаси сифатида фойдаланишга яроқлилиги борасида хулоса бериш;

ФКТАни ПЦнинг физик-механик хоссаларига таъсирини тадқиқ қилиш;

ФКТАдан кўшимча сифатида фойдаланиб олинган ПЦларни физик-механик хоссаларини ўрганиш ва уларнинг таркибини оптималлаштириш;

кўп компонентли «туйилган клинкер-ФКТА-гипс-сув» тизимидаги қотиш жараёнида кечадиган гидратли бирикмалар пайдо бўлиши, уларнинг ривожланиши ва сунъий конгломерат структураси шаклланишини тадқиқ қилиш, ҳамда цемент тоши ҳосил бўлишидаги «таркиб-структура-хосса» ўзаро боғлиқлиги қонуниятларини ўрнатиш;

ФКТАдан фойдаланиб кўшимчали ПЦларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва саноатда қўллаш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ангрен ИЭС нинг чиқиндиси - куруқ ҳайдалган кул-тошқол аралашмаси (ФКТА) ва ундан кўшимча сифатида фойдаланиб ишлаб чиқилган цементлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини ФКТАни кўшимча сифатида қўллаб олинган портландцементлар таркибини оптималлаштириш, уларнинг гидратланиш, қотиш ва структура ҳосил қилиш жараёнларини тадқиқ этиш, ҳамда кўшимчали цементларни ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида ФКТАни кимёвий-минералогик таркиби, технологик кўрсаткичлари, цементни физик-механик хоссалари тадқиқотни стандарт усулларини қўллаб аниқланди. Кўшимчали цементларнинг гидратланиш, цемент тоши микроструктурасини шаклланиш жараёнларини тадқиқ этишда рентгенофазавий, ИҚ-спектроскопик, дифференциал-термик, электрон-микроскопик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор фаол кул-тошқол аралашмасини физик-кимёвий, технологик хоссалари ҳамда цементга фаол минерал қўшимча сифатида фойдаланиш имконияти илмий ва амалий исботланган;

қўшимчали цементлардаги ФКТА миқдори билан цемент тошининг физик-механик кўрсаткичлари ўртасидаги бевосита боғлиқликлар ва қўшимча портландцемент (ПЦ)нинг мақбул таркиблари аниқланган;

янги турдаги қўшимчали ПЦларнинг гидратланиш жараёнида гидратли янги ҳосилалар вужудга келиши, уларнинг вақт давомида ривожланиш кинетикаси ва мукамал структурага эга бўлган сунъий конгломерат шаклланиши илмий исботланган;

ФКТА билан модификацияланган қўшимчали цементларнинг қотиш жараёнида “туйилган клинкер - фаол кул-тошқол аралашмаси – гипс - сув” тизимидаги физик-кимёвий ўзгаришлар билан цемент тошининг шаклланиши ва унинг физик-механик хоссалари ўртасидаги узвий боғлиқлик аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Таркибида юқори ҳароратда куйдириб олинган қимматбаҳо клинкернинг 20% гача қисми арзон ФКТА билан алмаштирилган қўшимчали ПЦларнинг самарадор таркиблари ишлаб чиқилган;

қўшимча сифатида ФКТА тутган янги таркибдаги ПЦ400-Д20 маркадаги ПЦни олиш технологияси ва техник шартлари ишлаб чиқилган;

янги турдаги ФКТА қўшимчали ПЦларни ишлаб чиқаришни блок-схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги физик-механик синовлар ва катта ҳажмдаги тажрибалар натижаларининг мослиги амалдаги давлатлар аро стандартлар, Ўзбекистон Республикаси стандартлари талабларига биноан олиб борилганлиги, мувофиқлик сертификатга эга курилма ва асбоб-ускуналар, тадқиқотнинг замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари (рентгенфазавий, дифференциал-термик, ИҚ-спектроскопик, оптик ва электрон микроскопик) қўллаб олинганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий аҳамияти, модификацияланган портландцементдаги клинкерни 20% гача миқдорини ФКТАга алмаштиришда шаклланадиган сунъий конгломератнинг мустаҳкамлиги, тузилиши, янги турдаги қўшимчали ПЦларнинг гидратланиш жараёнида гидратли янги ҳосилалар вужудга келиши ва юқори физик-механик хоссаларининг шаклланиши «таркиб-структура-мустаҳкамлик» қонуниятларини ўзаро боғлиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, қўшимчали цементлардаги юқори ҳароратда олинадиган қимматбаҳо клинкер қисмини 20%га тежалганлиги, цемент ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, таннархи арзонлашиши, атроф-муҳитга таъсирини камайтириш ва саноат чиқиндиларини утилизация қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ФКТА билан

модификацияланган ПЦ олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фаоллаштирилган кул-тошқол аралашмаси олиш учун техник шарт «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Т_С 18388312-01:2019). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёнини назорат қилиш имконини берган;

фаол кул-тошқол аралашмаси қўшилган қўшимчали портландцемент (ПЦ) олиш технологияси «Қизилқумцемент» АЖ да амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган. («Қизилқумцемент» АЖнинг 2021 йил 23 ноябрдаги 02/1687-сон маълумотномаси). Натижада, юқори ҳароратда олинадиган қимматбаҳо клинкерни 20%гача тежаш, ПЦ400-Д20 маркали қўшимчали ПЦларни таннархини арзонлаштириш, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-техник анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, диссертациянинг (PhD) асосий илмий натижалари 6 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 109 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Цемент саноатида кул тошқол чиқиндиларидан самарали фойдаланиш ҳолати ва истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида чет элларда ва мамлакатимизда кул-тошқол аралашмаси қўшилган цементларни олиш технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқот ишлари таҳлили келтирилган, мавжуд ишланмаларнинг афзалликлари ва камчиликлари танқидий ёндашув асосида аниқланган.

Қўшимчали цемент олиш соҳасида мавжуд бўлган маълумотлар таҳлили фаол кул-тошқол аралашмаси, диатомитлар, трепеллар, опокалар, турли

хилдаги вулкон жинслари сингари фаол алюмосиликатли бирикмаларни сақлаган кўшимчалар цемент таркибидаги клинкерни қисман алмаштириб, охакни тез ютиши натижасида, цемент ва унинг асосидаги бетоннинг физик-механик ва қурилиш-техник хоссаларини яхшиланишига хизмат қилиши кўрсатилган.

Қурилиш материаллари саноатида ИЭС қуруқ ҳайдалган кул-тошқол аралашмасидан фойдаланиб, кўшимчали цементлар ва бошқа турдаги қурилиш материаллари олиш имкониятлари таҳлил этилган. Бунда, асосан кўшимчадаги фаол кремнезем ва глиноземни клинкер минераллари заррачалари билан тўқнашув юзасининг ортиши ва ПЦ қотишида $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ни ютилиши кучайиши, тоберморит гуруҳига мансуб гидросиликатлар ва кальций гидроалюминат ҳосил бўлиши кўпайиши ҳисобига мустаҳкамлиги юқори цемент тоши шаклланиши ва бу цементлардан сифатли бетон олиш имкониятлари қайд этилган.

“Ангрен” ИЭСда ҳозиргача ҳўл усулда чиқариб ташланаётган кул-тошқолнинг фаоллиги пастлиги, ундан турли қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўллашга имкон бермаслиги боис, Ангрен ИЭС томонидан илк бор Ўзбекистонда кул-тошқолни ҳайдашни қуруқ усулини қўллаш жорий этилганлиги, уни технологик хоссаларини батафсил тадқиқ қилиш, цементга кўшимча сифатида ишлатишга яроқлилигини, меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ келишини аниқлашни, янги турдаги цементларни хоссаларини тадқиқ қилишни, кўшимчали цементларнинг таркиби ва ишлаб чиқариш жараёнини технологик кўрсаткичларини оптималлаштириб, амалиётда қўллашни тақозо қилади.

Диссертация ишининг «**Дастлабки материалларнинг физик-кимёвий хоссалари ва тадқиқотларни бажариш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида «Қизилкумцемент» АЖ, «Охангаронцемент» АЖни ПЦ клинкери, Бухоро кони гипс тоши, Ангрен ИЭС фаол кул-тошқол аралашмасининг (ФКТА) кимёвий-технологик хоссалари келтирилган.

1-жадвал


Дастлабки материалларнинг кимёвий таркиби

Материални номланиши	Оксидларнинг масса улуши, %								
	к.м.й.	SiO_2	Al_2O_3	Fe_2O_3	CaO	MgO	SO_3	R_2O	Пр
«Охангаронцемент» АЖ ПЦклинкери	0,36	21,3	4,75	4,86	63,58	3,07	0,36	1,58	0,36
ФКТАни ўртача намунаси	0,61	64,79	20,64	3,99	3,36	0,80	1,64	4,12	0,42
Гипс тоши	19,1 (400°C)	1,52	0,13	0,14	33,04	0,20	43,46	-	2,55


1-жадвал маълумотларига кўра, фаол кул-тошқол аралашмасининг

кимёвий таркиби силикат ва алюминий оксидларини миқдори юқорилиги билан тавсифланади: SiO_2 67,09%, Al_2O_3 22,29%. Тадқиқотлар натижасида ФКТАни кимёвий таркиби бўйича нордон қўшимчалар (SiO_2 миқдори 45% дан кўп, CaO –масса бўйича 10 % дан кам), масса йўқотиш билан аниқланадиган ёнувчи бирикмалар миқдори бўйича эса, паст миқдорли (5%дан кўп эмас) кул-чиқиндилар гуруҳига мансублиги аниқланди.

Қуруқ ФКТАни таркиби каттиқ тошқол ва майин дисперс фракциялардан иборат кулранг массадан иборат бўлиб, оптик микроскоп ёрдамида олинган фотосуратларда унинг қора ва жигарранг заррачалардан ташкил топганлиги аниқланди. Аралашманинг каттиқ фракцияси ўлчамлари 15мм дан ошмаган думалоқ, чўзинчоқ ва ингичка тола шаклидаги доналардан иборатлиги қайд этилди (1-расм). Доналарнинг сирт юзаси ғадир-будур бўлганлиги боис, цементга қўшимча сифатида ишлатилганда уларни цемент зарралари билан кучли ёпишиши эҳтимоли мавжудлиги ҳақида хулоса қилинди.



Расм1. Ангрэн ИЭС фаол кул-тошқол аралашмасининг тузилиши: а–умумий кўриниши; б-тошқол қисми; в-кул қисми. х100



2-расм. Қуруқ фаол кул тошқол аралашмасининг дифрактограммаси

ФКТАни ўртачалаштирилган намунасини рентгенограммасида кварц ($d/n=(0,421; 0,331; 0,243; 0,226; 0,222; 0,212; 0,197; 0,181; 0,166; 0,153)$ nm), муллит ($d/n=(0,346; 0,331; 0,251)$ nm), $\text{CaO}_{\text{эрк}}$ ($d/n=(0,239; 0,169)$ nm), CaCO_3 ($d/n=0,301$ nm) ва паст асосли силикатлар ($d/n=(0,291; 0,285; 0,278)$ nm) мавжудлиги аниқланди. Унинг тошқол қисми ҳам худди шу минераллардан иборат: (кварц $d/n=0,421; 0,331; 0,243; 0,225; 0,222; 0,210; 0,196; 0,180; 0,166$ nm), муллит ($d/n = 0,344; 0,330; 0,250$ nm) $\text{CaO}_{\text{эрк}}$ ($d/n=0,239; 0,169\dots$ nm), CaCO_3 ($d/n = 0,303\dots$ nm), кальцийнинг паст асосли силикатлари ($d/n=0,292; 0,282; 0,278$ nm). Чиқиндининг кул қисмида ушбу минераллардан ташқари, дала шпати туркумига мансуб минераллар, жумладан, ортоклаз кўринишдаги калийли дала шпати ($d/n = 0,421; 0,312; 0,344 0,315; 0,331, 0,319; 0,315; 0,290; 0,256; 0,214; 0,196; 0,178$ nm) ҳам борлиги кўрсатилди.

ФКТАни кимёвий-минералогик таркиби, Стьюдент (t) мезони қиймати бўйича гидравлик фаоллиги, тишлашиш муддатини охири ва сув ўтказмаслиги тўғрисидаги олинган натижалар бўйича фаол минерал кўшимчаларга қўйилган талабларга мос келганлиги боис, ундан цементга кўшимча сифатида фойдаланишга яроқли фаол минерал кўшимча сифатида фойдаланиш мумкинлиги бўйича амалий хулоса берилди.

Кўшимчали цементни энергия тежамкор таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш учун, ФКТАни ПЦни физик-механик хоссаларига таъсирини аниқлаш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида хулоса чиқарилди. Ушбу бобда изланишларни олиб бориш учун фойдаланилган асбоб-ускуналар, жиҳоз ва қурилмалар, тадқиқот усуллари тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қуруқ ҳайдалган фаол кул-тошқол аралашмаси билан модификацияланган портландцементлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида фаол кул-тошқол аралашмасининг гидравлик фаоллигини, уни ПЦни физик-механик хоссаларига таъсирини тадқиқ қилиш натижалари ёритилган. ФКТАни гидравлик фаоллиги Стьюдент мезони бўйича $t=52,92$ эканлиги, бу натижа эса О'з DSt 901-98 бўйича $t=2,07$ ва ГОСТ 31108 бўйича $t=15$ чегаравий қийматлардан юқори эканлиги, ундан цементга фаол минерал кўшимча сифатида фойдаланиш мумкинлиги бўйича хулоса чиқаришга асос бўлди.

ПЦ клинкер (75-85)%, ФКТА (10-15)% ва 5% гипс тоши иштирок этган цемент шихталари тайёрланиб, улар лаборатория тегирмонида туйилди. Кимёвий таҳлил маълумотларига кўра, олинган цементларда асосий оксидлар миқдори қуйидаги чегарада бўлди: SiO_2 (20,88 - 30,98)%; Al_2O_3 (4,68–6,48)%; Fe_2O_3 (3,25 -3,67)%; CaO -(40,55-61,67)%; MgO -(2,51-2,72)%. Цементлар таркибидаги SO_3 миқдори (2,54-3,27)% ни ташкил этди ва бу кўрсаткичлар ГОСТ 10178-91, 31108-2003 талабларига мувофиқ келди.

Кўшимчали цементлар учун хом ашё шихталари туйилганда, уларнинг майдаланиш қобилияти ФКТА миқдорига мутаносиб равишда ўзгариб бориши, яъни кўшимча миқдори 20% бўлганда майдаланиш жараёни ПЦ-Д0 га нисбатан бир мунча яхшиланиши аниқланди, ФКТА миқдори 10%, майдалаш вақти 40 минут бўлганда, туйилиш майинлиги №008 рақамли

элақда қолган қолдиқ бўйича 11,5% ни ташкил этди (3-расм).



**Расм 3. Қўшимчали
Цементларни
майинлигини ФКТА
миқдориға боғлиқ
ҳолда ўзгариши**

Таркибида 10÷20% гача қўшимча бўлган цементларни тишлашиш муддати ПЦ-Д0 цементниқдан деярли фарқ қилмади. Қўшимча миқдори 10% дан ва 20% га ошганда, қўшимча билан бирга кирган алюмосиликат минералларнинг миқдори ҳам ортиши сабабли, қўшимчали цементнинг тишлашиши ПЦ-Д0 га нисбатан бир оз секинлашди. Базавий цемент ПЦ-Д0 ва 10% ФКТА қўшимчали цементни 28 суткадаги сиқилишга бўлган мустаҳкамлик кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ 10,7 МПа ни ташкил этди (2-жадвал). Ушбу жадвал маълумотларига кўра, ФКТАни 15% миқдори цементни мустаҳкамлигини ошишини барча муддатларда ПЦ-Д0 дан юқори бўлишини таъминлади. ФКТА миқдори 20% бўлганда қотишни дастлабки муддатларда (1-3сут) қўшимчали цемент намуналарини мустаҳкамлиги бироз пасайди, аммо «туйилган клинкер-гипс-фаол кул-тошқол-сув» тизимидаги гидратланиш жарёнида шаклланаётган цемент композити аста-секин зичлашиб, қотишнинг 28-суткалик муддатида мустаҳкамлик ҳатто ПЦ-Д0 ниқидан ҳам юқори бўлди. Таркибида 20% гача ФКТА бўлган қўшимчали цементлар ГОСТ 10178-85ни барча талабларига мувофиқ келди ва маркаси ПЦ400-Д20 деб белгиланди.

2-жадвал

ФКТАнинг портландцемент мустаҳкамлик кўрсаткичларига таъсири

т/р	Компонентлар номи ва компонентлар нисбати (масс.%)				Намуналарнинг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси (МПа) (сут.)				
	Шартли белгила- ниши	ПЦ клинкер	Гипс	ФКТА	1	3	7	28	90
1	ПЦ-Д0	95	5	-	10,3	33,4	41,0	42,5	46,8
2	ПЦ-Д10	85	5	10	15,2	35,0	44,5	53,2	60,0
3	ПЦ-Д15	80	5	15	12,0	40,0	42,5	52,5	65,0
4	ПЦ-Д20	75	5	20	9,8	25,5	40,2	49,5	53,3

Таркиби 20% ФКТА қўшилган цементдан бетон олиш ва уни

хоссаларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш учун бетон аралашмасининг таркиби оптималлаштирилди. Олинган натижаларни таққослаш учун ПЦ400-Д0 бетон қоришмаси ҳам тайёрланди (3-жадвал).

3-жадвал

Мақбул бетон аралашмалари ва намуналарининг мустаҳкамлиги

Бетон-нинг т/р	1 м ³ бетон учун материалларнинг мақбул харажати							Бетоннинг зичлиги $\gamma, \text{kg/m}^3$ (куруқ ҳолатдаги)	R, kg/cm^2 , 28d
	Цемент сарфи, kg			Қ, kg	Ш, kg	С, L	В/Ц		
	Умумий	Цемент	ФКТА						
№ 1	-	298	-	661	1229	208	0,70	2396	220
№ 2	296	237	59	655	1218	217	0,73	2387	227

Изоҳ: Ц-цемент; ФКТА-фаол кул-тошқол аралашмаси; Қ-қум; Ш- шағал; С-сув

Синовлар учун ҳар иккала бетон қоришмасидан қирралари ўлчами 70 см куб-намуналар ясалди. ФКТА қўшимчали цементдан ясалган бетоннинг совуқбардошлик коэффиценти 25 цикл музлатиш ва эритишдан сўнг $K_{C_{\text{мрз}}}=1,100$ ни ташкил этиб, қўшимчасиз цемент асосидаги бетонниқидан ($K_{C_{\text{мрз}}}=1,066$) юқори бўлди ва унинг совуққа чидамлилиқ даражаси бўйича маркаси $F_1 25$ бетонга қўйилган талабга мувофиқ келди. Унинг иқлим ўзгаришига қаршилиқ коэффиценти ($K_{\text{ат}}=1,04$) ҳам ПЦ-Д0 ($K_{\text{ат}}=0,91$) ниқидан юқори бўлганлиги, янги турдаги қўшимчали цемент асосидаги бетонни совуққа ва иқлим ўзгариши таъсирига чидами юқори деб хулоса қилишга асос бўлди.


Диссертациянинг **“Қуруқ хайдалган кул-тошқол аралашмаси билан модификацияланган портландцементларнинг қотишида янги ҳосилаларнинг ривожланиш йўли (маршрути) ва цемент тоши микроструктурасини шаклланиш генезисини тадқиқ қилиш”** деб номланган тўртинчи бобида, таркибидаги клинкернинг улуши 20% гача камайишига қарамай қўшимчали цементнинг мустаҳкамлиги қўшимчасиз цементниқига нисбатан юқорироқ бўлиши сабабларини аниқлаш мақсадида, гидратланиш жараёнида янги бирикмаларнинг ҳосил бўлиши ва цемент тоши микроструктурасини шаклланиш генезиси тадқиқ этилди.

Аниқланишича, қотиш даврида муддат ўтиши билан модификацияланган цемент намуналаридаги боғланган сув миқдори ҳам аста-секин ортиб бориб, 60-суткада 17,17% га етди, бу эса базавий ПЦ тошидагига нисбатан 3,13% га кўп бўлганлиги, гидратли бирикмалар миқдори кўпайганлигидан далолат берди, 90-суткалик муддатда эса гидратли фазалар таркиби барқарорлашиши туфайли сувни бирикмаларга кимёвий боғланиши бир оз секинлашди.

Рентгенфазавий таҳлил маълумотларига кўра, таркибида 20% ФКТА қўшимчали цементларда C_3S гидролизланиши натижасида ажралиб чиқаётган $Ca(OH)_2$ ни, ФКТА суюқ фазадан жадал ютиб, гидратли

маҳсулотларни катта миқдорда ҳосил бўлишини таъминлайди. Натижада, тоберморит туридаги гидросиликатли ҳосилалар катта миқдорда вужудга келади ва цемент тошини зичлаштиради, бу эса, ўз навбатида цемент таркибидаги юқори фаолликка эга клинкер миқдорини камайганига қарамай, қўшимчали цементнинг физик-механик кўрсаткичлари юқори бўлишига олиб келади.

4-расмга мувофиқ, вужудга келган кальций гидросульфо алюминатларини ($d/n=0,489; 0,192; 0,176, 138 \text{ nm}$) чизиқлари 1 дан 90 гача суткалик қотиш даврида ўз ўлчамларини камроқ ўзгартирган.




4-расм. Таркибига 20% ФКТА қўшилган портландцементнинг 1 (1); 28 (2) ва 90 (3) сутка давомида сувда қотгандан кейинги дифрактограммалари

ФКТА қўшилган цемент намуналарини термик ҳолати унинг қотиш

муддатларига боғлиқ бўлиб, термик барқарорлик қатори қуйидагича ўзгаради: 1-сут (20,44%); 3-сут (18,29%); 7-сут (20,66%) ва 90-сут (22,08%). Бундай самара, кимёвий сув боғланиши тезлиги пайдо бўлаётган ҳосилаларнинг фаза таркиби ва «туйилган клинкер-гипс-фаол кул-тошқол-сув» тизимида шаккланаётган цемент тоши ғоваклари ФКТА нинг шарсимон заррачалари билан тўлиши ҳисобига таъминланади.

Бу заррачалар қўшимча равишда кальций гидроалюминат ва гидросиликат ивиқлар ҳосил бўлишига, улардан нинасимон кристаллар ўсиб, чатишишига кўмаклашади. Бунда цемент тошининг капилляр ғоваклилиги ва ўтказувчанлиги сезиларли даражада камаяди (5,6,7 -расмлар).

Цемент сув билан қориштирилгандан 1 суткадан кейин цемент пастаси тошга айлана бошлайди, унинг синдирилган юзаси турли шаклга ва йўналишга эга ва кўплаб ҳаво ғоваклари бўлган ғадир-будир зарралардан иборат бўлиб, ғовакларнинг ички деворларида нинасимон кристаллар ўсаётганлиги кузатилади. Янги ҳосил бўлган бундай нинасимон кристалларнинг бўртиқлари қотаётган цемент пастасининг юза қатламларида яна давомли пайдо бўлади (5-расм).




5-расм.Таркиби 20% ФКТА ли 1 сутка давомида қотган цемент тоши синиғи юзасининг рельефи

Цементни гидратланиш жараёни 3-суткага келиб тезлашди, бунда цемент тошининг скелет кристалл тузилмаси шаклланишида мустаҳкамловчи бирикма сифатида хизмат қилувчи эттрингит катта миқдорда кристалланиши кузатилди. Бунга цемент таркибидаги ютиш қобилияти юқори бўлган ФКТА


кўшимчасидаги фаол алюмосиликатларнинг иштироки ёрдам беради.

Кўшимча суюқ фазага ажралиб чиққан Ca^{2+} ионларини жадал ютиб, C_3S гидролизини ва суюқ фазага Ca^{2+} ионларининг янги миқдорларини ажралиб чиқишини тездаштиради. Улар эса ўз навбатида цемент таркибидаги алюминат ва сульфатлар билан ўзаро таъсирга киришиб, этtringит кристалларини кўпроқ ҳосил бўлишини таъминлайди (6-расм).



6-расм. ФКТА ли 3 сутка қотган цемент тошини синиқ юзасининг рельефи

7-сутка мобайнида цемент тошидаги ғоваклар ва микроёриқлар турли йўналишда бетартиб ўсаётган кальций гидросульфoалюминатлари, гидросиликатларининг кристаллари ва кристалл агрегатлари билан тўлиб боради ва микроёриқларни «ўз-ўзини даволаши» жараёни кечади.




7-расм. ФКТА ли 28 сутка қотган цемент тошини юзасининг рельефи

Бу 6-расмда яққол тасвирланган бўлиб, ғовакларда игначалар ва юпқа

пластинкасимон субмикросталлар ўсаётганлиги, уларни турли томонларга йўналганлиги ва кристалл “боғламлар”ни ҳосил қилиб, цемент тошини мунтазам жипслаштираётганлиги кўзга ташланади. Цемент тошининг микротузилмаси 28-суткага келиб, гидратланиш маҳсулотларини ўсиб чатишиши ҳисобига кам ғовакли яхлитланган кўринишига эга бўлади (7-расм).

Шу билан бирга, гидратланиш жараёни «пастдан-тепага» тамойили бўйича давом этади ва цемент тоши ғоваклариди гидросиликатларнинг бетартиб ўсаётган нинасимон, призмасимон толасимон ва ипсимон кристалларидан “боғламлар” ҳосил бўлиши, уларнинг гидроалюмоферритни пластинкасимон кристаллари билан чатишиб зичланиши ва турли йўналишда бетартиб жойлашиши ҳисобига, 28 сут муддатда блокланган кўринишдаги мустаҳкам сунъий конгломерат шаклланади ва унинг гидравлик фаолиги ГОСТ 10178 нинг ПЦ 400-Д20 маркали цементга қўйган талабига мувофиқ келади.

Ишнинг «**Курук хайдалган кул тошқол аралашмасидан фойдаланиб цемент ишлаб чиқариш технологияси самарадорлигини техник-иктисодий асослаш**» мавзусидаги бешинчи бобида ФКТА иштирок этган қўшимчали цемент ишлаб чиқаришнинг блок-схемаси тасвирланган (8-расм).



8-расм. ФКТА қўшилган цемент олишни блок-схемаси

Бунда, ФКТА ни цемент қўшимчаси сифатида қўллаганда, қўшимчали цемент ишлаб чиқаришнинг мавжуд технологик схемасига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилмайди, ПЦ клинкери, гипс тоши ва ФКТА республиканинг цемент заводларидаги анъанавий технология бўйича биргаликда туйилади.

Ушбу бобда тадқиқот натижаларидан цемент ишлаб чиқаришда фойдаланишни таъминловчи меъёрий база - Т_S 18388312-01:2019 “Фаол кул-тошқол аралашмаси. Техник шартлар” ишлаб чиқилиб, “Ўзстандарт” Агентлигида рўйхатдан ўтказилганлиги ва “ЕКО STROM PLUS” МЧЖ томонидан амалга киритилганлиги ҳам баён этилган. Ангрен ИЭСни куруқ ҳайдалган кул-тошқол аралашмаларини цементга фаол минерал кўшимча сифатида ишлатишнинг экологик, технологик ва иқтисодий самарадорлиги кўрсатилган. Фаол кул тошқол аралашмасидан фойдаланиб ПЦ400-Д20 маркали цемент олиш технологияси ижобий натижалар билан синовдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Ёқилғи-энергетика комплексининг гидротехник усулда ҳайдаладиган кул-тошқол чиқиндиларидан қурилиш материаллари саноатида кенг миқёсда фойдаланиш имкониятлари қисқалиги назарий асосланди. Куруқ ҳайдаш усулини қўллаш, кул-тошқол чиқиндиларини фаоллик даражасини ошириши сабабли, уларнинг истеъмол даражаси ҳам юқори бўлиши кўрсатилди.

2. Ангрен ИЭСда кул-тошқол чиқиндисини куруқ ҳайдаш усули жорий этилганлигини сабабли, уни цементга кўшимча сифатида қўллаш имкониятини аниқлаш бўйича комплекс тадқиқотлар ўтказиш зарурияти пайдо бўлганлиги қайд этилди.

3. Ангрен ИЭС куруқ ҳайдалган кул-тошқол аралашмаси кимёвий-минералогик ва технологик хоссалари бўйича О'z DSt 901-98 талабларига мувофиқ келиши аниқланди ва умумқурилиш ПЦларини ишлаб чиқаришда фаол минерал кўшимча сифатида фойдаланишга тавсия этилди.

4.Таркибида 20% ФКТА тутган кўшимчали портландцементнинг барча физик-механик ва умрбоқийлик (совуққа ва иқлим ўзгариши таъсирига бардоши) кўрсаткичлари кўшимчасиз цементдан бирмунча юқорилиги аниқланди.

5.Ишлаб чиқилган янги турдаги умумқурилиш ПЦининг гидратланиш тезлиги, қотиш жараёнида янги ҳосилалар вужудга келиши ва ривожланиши, цемент тоши структураси шаклланиш генезиси тадқиқ этилди. Таркибида юқори ҳароратда куйдириб олинган алитли фаол клинкерни улуши 20% га камайганига қарамай, цемент тошининг мустаҳкамлиги юқори бўлиши “туйилган клинкер-гипс тоши-ФКША-сув” тизимида кечадиган кимёвий таъсир жараёнини ўзига хослиги билан таъминланиши кўрсатилди ва жараёнда кечадиган “таркиб – тузилма - мустаҳкамлик” ўзаро боғлиқлик қонуниятлари ўрнатилди.

6. ФКТАни ташиш ва фойдаланишга қулай бўлиши учун уни донадорлаш бўйича ва ундан фойдаланиб кўшимчали цемент ишлаб чиқаришнинг блок-схемаси таклиф этилди, Ташкилот стандарти Т_S 18388312-01:2019 “Фаол кул-тошқол аралашмаси. Техник шартлар” ишлаб чиқилиб, “Ўзстандарт” Агентлигида рўйхатдан ўтказилди ва «ЕКО STROM PLUS»

МЧЖда кучга киритилди.

7. Умумқурилиш портландцементи ишлаб чиқариш учун клинкер, гипс тоши ва ФКТАларнинг сарфий меъёрлари аниқланди ва «Қизилқумцемент» АЖда ПЦ400-Д20 маркали портландцемент ишлаб чиқариш технологияси жорий этилди.

8. «Қизилқумцемент» АЖда ва ЎзР ФА УНКИ қошидаги «Стром» ИЛва СМ ни аккредитацияланган лабораторияларида янги турдаги цементни назорат синови ўтказилди ва уни ГОСТ 10178 ни умумқурилиш цементларига қўйган талбларига тўла мувофиқ келиши тасдиқланди. Қуруқ кул-тошқол аралашмасидан цементга фаол минерал қўшимча сифатида фойдаланишнинг экологик, технологик ва иқтисодий самарадорлиги асосланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02./30.12.2019.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ИНСТИТУТА ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ
ХИМИИ**

**НАВОИЙСКОЕ ОТДЕЛЕНИЕ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

ТУРСУНОВ ЗАРИФ РУЗИМУРДОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ МОДИФИЦИРОВАННОГО
ПОРТЛАНДЦЕМЕНТА С АКТИВИРОВАННОЙ ЗОЛОШЛАКОВОЙ
СМЕСЬЮ ТЭС**

02.00.13–Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации ученой степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована под номером В2021.1.PhD/T2054 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Докторская диссертация выполнена в Навоийском отделении Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.ionx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель: **Искандарова Мастура**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мирзакулов Холтура Чориевич**
доктор технических наук, профессор
Искендеров Ахмет Максудбаевич
доктор технических наук


Ведущая организация: **Ургенчский государственный университет**


Защита диссертации состоится «7» апреля 2022 г. в «10⁰⁰» часов на заседании Научного Совета DSc.02./30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии Академии наук Республики Узбекистан (адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanguz@mail.ru).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Институте общей и неорганической химии (Зарегистрированной номер №7). Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90

Автореферат диссертации разослан «18» марта 2022 года
(протокол реестра №7 от «18» марта 2022г.)




Б.С. Закиров
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор


Д.С. Салиханова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор


Ш.С. Намазов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор, акад. АН РУз.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире одним из наиболее рентабельных способов экономии топливно-энергетических и природных сырьевых ресурсов в цементной промышленности, которые могут частично заменить высокотемпературный клинкер в цементе, является производство смешанных и композиционных портландцементов. Одним из приоритетов направлений отрасли является производство качественного и недорогого цемента с высокими эксплуатационными свойствами, усовершенствованными технологическими процессами. В связи с этим, актуальным является выявление и изучение доступных источников местного природного сырья и техногенных минеральных добавок, не оказывающих негативное влияние на физико-механические и эксплуатационные свойства при производстве энергоэффективных смешанных и композиционных портландцементов.

В настоящее время в мире ведутся исследования по разработке качественных видов и технологии производства цемента с применением отходов тепловых электростанций - активной золошлаковой смеси ТЭС. В связи с этим, оптимизация составов добавочных цементов и совершенствование технологии их производства; разработка научно-технологических основ получения низкотемпературных клинкеров на основе новых видов природного и техногенного сырья; сокращение времени твердения пуццолановых цементов в воде, улучшение физико-механических и строительно-технических свойств; особое внимание уделяется разработке новых видов гибридных композиционных цементов и технологии производства.

В Республике по строительству современных цементных предприятий, получены новые виды цемента на основе техногенных отходов, увеличены объем их производства и экспортный потенциал, достигнуты ряд научных и практических результатов. С целью дальнейшего развития Республики Узбекистан, выработана Стратегия действий, которая определяет следующие задачи: «развитие отраслей производств, модернизация и диверсификация промышленности, применение на практике малозатратных, энергосберегающих методов развития цементной промышленности, производство импортозамещающей и экспортно-ориентированной продукции»¹. В связи с этим, большое значение приобретают исследования, направленные на производство дешевых и высококачественных цементов с использованием техногенных отходов, в том числе, для производства малоэнергоемких клинкеров и цементов.

В Республике по строительству современных цементных предприятий, получению новых видов цемента на основе техногенных отходов, увеличению объема их производства и экспортного потенциала, достигнуты

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы по пяти приоритетным направлениям»

ряд научных и практических результатов. С целью дальнейшего развития Республики Узбекистан, выработана Стратегия действий, которая определяет следующие задачи: «развитие отраслей производств, модернизация и диверсификация промышленности, применение на практике мало затратных, энергосберегающих методов развития цементной промышленности, производство импортозамещающей и экспортно-ориентированной продукции». В связи с этим, большое значение приобретают исследования, направленные на производство дешевых и высококачественных цементов с использованием техногенных отходов, в том числе, для производства малоэнергоёмких клинкеров и цементов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», ПП-3696 от 4 мая 2018 года «О дополнительных мерах по стабильному обеспечению внутреннего рынка цементом», ПП-4198 от 20 февраля 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию и комплексному развитию промышленности строительных материалов» ПП № 4335 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов» от 23 мая 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий VII – «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. По получению клинкера и добавочных портландцементов с использованием золошлаков ТЭС и других видов минеральных отходов занимались В.В. Тимашев, В.К. Классен, Т.Б. Бельский, О.В. Кононов, А.О. Смирнов, М.Я. Бикбау, Кузнецова Т.В., Осокин А.П., Ihsan Erçin, H. El-Didamony, H. N. M.Darweesh, R. A.Mahmoud, Yilmaz Bulent, Ediz Nezahat, Degirmenci Nurhayat, Yilmaz Arin, Ю. А. Онасенко, В. В. Песчанск, В.В. Бабков, А.И. Габитов, Р.Р. Сахибгареев, Т.Б. Бельск, Г. Браун, А.И. Савенков, А.А. Баранов, В.Д. Котляр, М.В. Бахарев, В.Н., Семиңдейкин, З.Б. Энтин и другие.

